

ҲОЖИ МЕНГНАЗАР РУСТАМ ЎҒЛИ



# ДАРД БОРКИ, ДАРМОН БОР

2-китоб



ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2010

*Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир*  
**Мирзо КЕНЖАБЕК**

*Махсус муҳаррир*  
**Шавкат РУСТАМОВ**

*Мусанниф 1978 йилдан бери шифобахи ўсимликлар хилларини  
топишда яқиндан ёрдам бераётган сариосиёлик тадбиркор боғбон  
Носирхон бобо Тўрақуловга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этади.*

ISBN 978-9943-350-35-9

© Менгназар Ҳожи Рустам ўғли,  
Мирзо Аҳмад Хушназар, 2010.  
© «Chashma Print» МЧЖ нашриёти, 2010.



## ДАРД ҲАМ БИР НЕЪМАТ ЭКАН...

Бирор киши дард чекса, «Иссиқ жон-да...» деб таскин берадилар. Дарвоқе, иссиқ жон бемор бўлади, ташвишларга дуч келади, чора излайди. «Саҳиҳи Бухорий»да кўнгилни кўтарувчи ҳадиси шариф бор: *«Аллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни раво кўрса, унга бирор мусибатни юборади»*. Демак, мўъмин банданинг дарду ташвиши ҳам бир неъмат экан: ҳам гуноҳлари дарахт хазонларидек дув-дув тўкилади, ҳам Ҳақ таолонинг муҳаббатига аломат бўлади, ҳам Парвардигорни зикр қилади — «Ё Аллоҳ!» дейди, шифо тилайди, дуо-илтижо қилади. Ҳазрати Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо айтадилар: *«Ҳазрати Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдек қаттиқ дардга чалинган одамни кўрмаганман»* («Саҳиҳи Бухорий»дан). Дарҳақиқат, ул зот Аллоҳнинг ҳабиби — энг севикли Расули эдилар.

Ҳақ таоло баъзи душманларига дардни ҳам раво кўрмас экан. Чунончи, золим Фиръавнга дард бермаган экан. Уларнинг аламли азоби охиратдадир.

Аммо баъзи бандалар гуноҳлари туфайли ҳам дарду мусибатларга йўлиқади, ризқидан ҳам маҳрум бўлади. Бунинг давоси — асл тавба, чин истиффор, яна дори-дармон...



## ДАРД ЁНИДА ДАВО БОР

Бас, дард борки, даво бор. Чунончи, «Саҳиҳи Бухорий»даги ҳадиси шарифда айтилади: *«Аллоҳ таоло ҳар қандай дард юборганда унинг давосини ҳам юборгандир»*. Аммо то Аллоҳдан изн бўлмагунича ҳеч бир дардга даво йўқ. Дард ҳам, шифо ҳам Аллоҳдан. Табиблар сабаб, восита!..

Аллома Алихонтўра Соғуний (раҳматуллоҳи алайҳ) айтадилар: «Илм икки турли бўлур: биринчиси дин илмидур, иккинчиси тан илмидур... Дин илми деб мусулмончиликка лозим бўлган шариат илмини айтилуру. Тан илми деб тан-



соғлиқни сақлайдургон тиб илми айтилуру». Аллома бу икки илми билмасликнинг зарарларини баён этганлар.



### ТАБИБИ ҲОЗИҚ КИМ?

Ҳаётда баъзи муҳим масалалар борки, уларни муҳтарам китобхонларга эслатиб қўйсақ, савоб бўлар, иншоаллоҳ.

Байтда айтилганидек,

*Сирингни яширма сен икки ёрдан,  
Табиби ҳозикдан, ҳам ёри ёрдан.*

Табиби ҳозик — зийрак, доно, ўз ишида устоз бўлган зот. Ёри ёр — энг ишончли сирдош, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу каби содиқ дўст.



### ҲАРОМ НАРСАЛАРДА ШИФО БЎЛАДИМИ?

Маълумки, дардларнинг даволари ҳалол нарсаларга жойланган. Аммо таботатда ўлимдан бошқа чора қолмаганда, баъзан заруратдан, табиби ҳозик рухсати билан ҳаром нарсалардан истифода этилади. Бу дегани зинҳор даво учун оммавий равишда ҳаром нарсалардан фойдаланиш мумкин, дегани эмас. Тиб китобларида, жумладан, ушбу рисолада ҳам баъзан ножоиз нарсалар номи учрайдики, бундай ҳолда беморлар ўз ақлича уларни қўлламастан, табиби ҳозикқа учрашлари керак бўлади. Табиби ҳозик шариат илмларини ҳам билган зот бўлса, мақсадга мувофиқдир. Чунки «Чала табиб жондан айиргай», дейдилар.



### БЕМОРДАН ХАБАР ОЛИШ МАСАЛАСИ

Беморни тез-тез йўқлаб, зиёрат қилиб турмоқ, касал ёнига тоза, озода кийимларни кийиб бормоқ, унинг хузурига очиқ чехра билан кирмоқ, уни хурсанд қиладиган гапларни гапирмоқ, тезда тузалиб кетасиз, деб хушxabар бермоқ, бемор олдида кўп ўтирмасдан, тезроқ турмоқ зиёрат одобларидандир.



Яна бемордан дуо талаб қилмоқ яхши, чунки беморнинг дуоси ижобат бўлади.

Яна беморга умри узун бўлишини сўзлаб, кўнглини кўтармоқ керак. Чунки ҳадиси шарифда айтиладики:

*«Беморнинг ёнига кирган пайтларингизда унинг умри узоқ бўлишидан сўз қилинглар. Бу Аллоҳнинг қазо ва қадаридан ҳеч бир нарсани қайтармаса ҳам, аммо беморнинг кўнглини шод қилади».*



### **ҚАНДАЙ БЕМОРНИ ЙЎҚЛАШ МУМКИН ЭМАС?**

Кўз оғриғи, тиш оғриғига йўликқан ва чипқон чиққан беморлардан хабар олинмайди. Чунки ҳадиси шарифда айтиладики:

*«Ушбу уч турли бемор зиёрат қилинмайди: кўзи оғриган, тиши оғриган ва чипқон чиққан кишилар».*



### **БЕМОР ҲАҚИГА ДУО ҚИЛМОҚ**

«Саҳиҳи Бухорий»да ушбу муборак ҳадис келтирилади: ҳазрати Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо айтдилар: «Ҳазрати Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор беморни кўргани борсалар, ёки бирор касални у кишининг ҳузурларига олиб келишса, (дуо қилиб) бундай дер эдилар:

*«Эй инсонларни яратган Аллоҳ! Уни дарддан фориғ айлагил, унга шифо бергил, Сен шифо ато этгувчидирсан! Сенинг шифойингдан ўзга шифо йўқ! Сен шифо берсанггина дардлар йўқ бўлади!»*



## І БОБ. ҲАКИМЛАР ДЕЙДИЛАР...

---



### КЎЗ ЯЛЛИҒЛАНИШИ ҲАҚИДА

Одатда кўзда совуқдан, офтобда кўп юришдан яллиғланиш юз беради.

1. Дард эгаси тўтиёнинг ёмғир сувидаги қайнатмасидан 5 кун 3 маҳал томизса, бегумон дарддан халос бўлади. Баъзан эса, кўз яллиғланиши олов ва чангда туриб ишлашдан вужудга келади.

2. Қобулий, яъни сариқ ҳалилани янчиб, сурма каби кўзга 5 кун 3 маҳал суртилса, бегумон тузалади.

3. Седанадан етти дона олиб, аёл сутида 1 сутка ивитиб, ундан бурунга 8 кун 3 маҳал томизилса, сариқ касаллиги ва кўз сариқлигига катта фойда қилади. (*Ал-Мардиний*).

4. «Рисола» китобида ёзилишича, қизил гул суви ва узум сиркаси тенг миқдорда қўшилиб, аралаштирилиб 10 кун 3 маҳалдан томизилса, кўздаги сариқлик кетади. Қўшимча: нордон анор суви 5 кун 1 маҳал наҳорда томизилса ҳам яхши фойда қилади.



### КЎЗ ОҚИНИ КЕТКАЗИШ

1. 50 грамм Кўлоб зирасини 300 грамм ёмғир сувида 1 сутка ивитиб, сўнг уни паст оловда 100 грамм қолгунча қайнатиб, 12 кун 3 маҳал 3—4 томчидан томизилса, оқи кетади.

2. Оқ пиёз сувига тенг аёл сути қўшиб томизилса ҳам, кўзнинг оқи кетади.



### КАТАРАКТА ҲАҚИДА

Катаракта тиқилмалардан пайдо бўлган касаллик бўлиб у кўзнинг ўқ-ёйсимон табақа тешигида оқсилсимон суюқлик



билан мугузсимон табақанинг орасида туриб қоладиган бегона суюқликдан иборат. У суюқлик нарсаларнинг қораси (силуэти) кўзга тушишига тўсқинлик қилади. Камина табобатни ўрганаётган ақлли кишилардан бирини кўрдим. У кишида катаракта касаллиги пайдо бўлган эди. У ўзини бўшатишлар, парҳез қилиш, овқатни кам ейиш, шўрвалардан ва хўлловчи нарсалардан сақланиш, кабоб қилинган ва қовурилган овқатлар билангина чекланиш ва тарқатиб шиширувчи ва латифлаштирувчи сурмаларни ишлатиш билан даволанди ва натижада кўриш сезгиси ўзига қайтди.

Ҳақиқатдан ҳам катарактанинг бошланишидан пайқаб қолиб тадбир қилинса, юқоридаги амал фойда беради. Кундуз ўртасида бир марта овқатланиш билан чекланиш керак. Парҳези: балиқ, хўл мевалар, айниқса, ҳазми оғир гўштлардан сақланиш лозим.

1. Бу касалга тўтиёнинг суюқлик ёки қайнатмаси 15 кун 3 маҳал 2—3 томчидан томизилса (парҳези билан), яхши фойда қилади.

2. Узун мурч, оқ ва қора мурчларни тенг қўшиб туйиб, элакдан ёки 2 қават докадан ўтказиб, кўзга 15 кун 3 маҳал сурмадай қилиб суртилса, фойда қилади.

3. Бу касалликда зайтун ёғини ҳам 15 кун 3 маҳал кўзга томизилса (парҳези билан), фойда қилади.

*Мен юқоридаги дорилар билан кўз оғриғи, кўзга парда, эт тушиши, кўз қичишиши, кўздан сув оқиши каби касалликларни даволашга ҳаракат қилганман, Аллоҳнинг изни билан барчаси тўлиқ шифо топшиган.*

*Кўп йиллик тажрибам давомида уйимда жуда кўп шифобахш неъматлар ишончли ҳолда сақланиб турибди. Мен изланишни ва одамларга фойдам тегишини ўз бурчим деб биламан.*



## **КЎЗ НУРИНИ КЎПАЙТИРИШ**

1. Тиллонинг талқон куқунини кўзга 10 кун 2 маҳалдан сепилса, кўз нури кўпаяди.



2. Сурмани ҳам 15 кун 3 маҳалдан сепилса, кўз қувватини оширади.

3. Сарик ҳалила гулини сувда 3 сутка ивитиб, 10 кун 3 маҳалдан кўйилса, кўз қувватини оширади.

4. Алоэдан 20 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан истеъмол қилинса, кўз нурини кўпайтиради.

5. Она сути ҳам кўз нурини оширади. Муолажа: 30 кун 3 маҳалдан томизиш лозим.

6. Занжабил талқонидан 20 кун 3 маҳал сепилса, кўз нурини кўпайтиради.



### КЎП ЎҚИШ ҲАҚИДА

Баъзи ҳақимларнинг айтишича, кўп китоб ўқувчилар учта нарсага муҳтож бўладилар: мия ҳўллигига, кўришнинг қувватлигига, серфикрлиликка. Чунки мия қуруқ бўлса, заифланиб қолади ва одам тез чарчайди. Кўриш қуввати заиф бўлса, киши анча нарсалардан, масалан, майда нарсаларни ўқиш ва кўришдан ожиз қолади. Фикрлашнинг заифлиги ҳам кўпгина фойдалардан маҳрум қилади. Яхши фикр бўлса, чуқур илм ҳосил бўлади. Кўз қадрига етмаган кишилар кундузидан айриладилар.

Билиш лозимки, кўп ўқиш ва кўп фикрлаш мияни қуруқ мижозликка айлантиради. Кўп гапириш ҳам худди шундай, ҳаддан ортиқча ўқиш кўзга зарар қилади. Кўз эса мия билан боғланган. Кўз сабабидан мия таъсирланади. Ғазаб қонни ҳаракатга келтиргани каби фикр ҳам мияни тўлқинлантиради. Дам олиш мияни асосий ҳолатга қайтаради. Билиш керакки, бодом ва шакар мияга қувват беради, ақл жавҳарини зиёда қилади, табиий ҳароратни кўпайтиради, фикрни равшанлаштиради.

Ҳар ким ўз касбини яхши билади. Табибнинг айтганини қилмаслик ўз жонининг ҳурматини билмасликдир.







## **ТИШ ОҒРИҒИНИНГ ДАВОСИ**

1. Тиши оғриган киши, икки ёки уч дона тоғ майизи олади, майизни туйиб пахтага ўраб, ҳўллайди. Ўша пахта икки тиш орасига қисилади. Яъни, оғриётган тишга шу малҳам қўйилса, ўша замониёқ оғриқ қолади.

2. Аччиқтошнинг 20 граммини 50 грамм сувда қайна-тиб, шу сув оғизда 3–4 дақиқа ушлаб турилса, шу заҳотиёқ оғриқдан халос бўлади.

3. Чинор пўстлогининг 20 grammi 50 грамм узум сир-касида озроқ қайнатилиб, шу сув оғизда 3–4 дақиқа уш-лаб турилса ҳам, тиш оғриғи қолади.

4. Тут илдининг шираси ёки тут илдизи олинади ва талқондай майдаланиб, шиша идишга солиниб, оғзи беки-тилади ва офтобда 3 ой қуритилади. Шундан бир озгина оғриган тишга қўйилади ва ўша замониёқ суғуриб ташла-нади. Касал азиат чекмайди.



## **ТИШ ҚОНАШИ, МИЛК ҚОНАШИ, МИЛК ЕМИРИЛИШИНИНГ ДАВОСИ**

1. 100 грамм исирик, 100 грамм седана, 100 грамм ёнғоқ барги, ёнғоқнинг ёш новдаси, 50 грамм кон тузи — булар-нинг ҳаммасини қўшиб, қайнатилган ёки ёмғир сувида паст оловда қилиб 30 дақиқа қайнатилади. Қайнатма совигач, сузиб олинади. 5 кун 5–6 маҳал шу сувдан оғизни тўлди-риб, 15 дақиқа оғизда ушлаб, тўкиб ташланса, юқорида номи келтирилган ҳамма иллатлар даф бўлади. Парҳези: тўлиқ тузалгунга қадар қовун, аччиқ, ширин, нордон ва совуқ нарсалар истеъмол қилинмаслиги керак.

2. Доимий равишда тиш ва милкларни мисвок билан 1 маҳалдан ювиб юрилса, умрининг охиригача юқоридаги касалликларга дуч келмайди.





## БУҶОҚ КАСАЛЛИГИДАН ҚЎРҚМАНГ

1. Данаги қотмаган ёнғоқни таратезак ўсимлиги билан тенг қўшиб қайнатиб, 15 кун 3 маҳал 100 граммдан парҳези билан ичилса, буҶоқ даф бўлади. Парҳези: тўлиқ тузалгунга қадар ширинлик, ҳўл мевалар, аччиқ, шўр, нордон ва совуқ нарсалар истеъмол қилинмайди.

2. Данаги қотмаган ёнғоқни қуришиб, талқонини 15 кун 3 маҳал оч ҳолда парҳези билан 1 чой қошиқдан капалаб, орқасидан қайноқроқ сув ичилса ҳам, касал тузалади.

3. Таратезакнинг 300 граммини 4 литр сувда 1 сутка ивитиб, сўнг паст оловда 10 дақиқа қайнатиб, 15 кун 3 маҳал оч ҳолда 100 граммдан ичилса ҳам тузалади.

*Камина бунӣ 1984 йилдан бери синовдан ўтказаман.*



## УЙҚУ ВА УЙҶОҚЛИК ҲАҚИДА

1. Уйқуси келмайдиган киши 3 кун 1 маҳал кашнич сувидан 100 граммдан ичса, уйқу ўз жойига тушади.

2. Уйқудан аввал ейилган овқат ҳазм бўлганидан кейин ҳаммомга тушиб, бошдан иссиқ сув кўп қуйилса, ухлаш учун яхши самара беради.

3. Оч қорин билан ухлаш ёмон, чунки у қувватни сусайтиради. Қорин тўқлиги билан ухлаш ҳам ёмондир, чунки бу ҳолда уйқу яхши бўлмайди, безовта бўлади. Кундузги уйқу ҳам ёмондир: у рутубатлардан бўладиган касалликларни ва назла (бурун) касалликларини вужудга келтиради, рангни бузади, талоқ касаллигини пайдо қилади, асабни бўшаштиради, кишини ланж қилади, иштаҳани пасайтиради, шиш ва иситмани келтириб чиқаради.

4. Уйқудаги ҳолатлардан энг яхшиси ўнг томонни босиб, кейин чап томонга айланиб ётишдир. Қоринни босиб ётиш овқат ҳазмига яхши ёрдам беради. Чунки бундай ётиш туғма иссиқликни тўплаб ва (гавда ичига) қамаб кўпайтиради. Чалқанча ётиш ухлашнинг ёмон шакли бўлиб,





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/942> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/942> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/942>